9 - сонли ШАРТНОМА- ҲИСОБ

Тошкент ш. " 01 " март 2022 йил

2022 йил 11 феврал, танлов асосидаги 25204-сонли ЛОТ га асосан

Қуйида "БАЖАРУВЧИ" деб аталадиган "Baraka Ishonch Fayz Servis" М.Ч.Ж. Низомига асосан иш юритувчи Рахимов Асадулла Сайфуллаевич бир томондан. Иккинчи томондан қуйида "БУЮРТМАЧИ" деб аталувчи Тошкент шаҳар сув таъминоти Низомига асосан иш юритувчи Абдусаматов М.Н мазкур шартномани туздик.

## 1.ШАРТНОМА МОҲИЯТИ

1.1. "БУЮРТМАЧИ" буюртма беради, "БАЖАРУВЧИ" эса электр двигател ва генераторларни, ўз хисобидан хом ашё ва материаллардан сарфлаган холда умум таъмирлашни амалга оширади.

1.2. "БУЮРТМАЧИ" томонидан келтирилган электр двигателларини таъмирлаш ишлари "БАЖАРУВЧИ" нинг иш жойида амалга оширилади.

1.3. БАЖАРУВЧИ буюртмаларини бажаргандан сўнг, таъмирланган электр двигателларга 12 (ўн икки) ой муддатга кафолат беради. Кафолат муддати давомида таъмирланган электр двигателларда аниқланган камчиликлар "БАЖАРУВЧИ" томонидан бартараф қилинади.

## 2. ТОМОНЛАР НАРХИ ВА ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Бажариладиган ишларнинг нархлари шартномавий бўлиб, шартнома бўйича бажариладиган ишларнинг умумий миқдори ҚҚС сиз 325 955 096 ( Уч юз йигирма беш миллион тўққиз юз эллик беш минг тўқсон олти) сўм деб белгиланди.

2.2. Мазкур шартнома асосида бажариладиган ишларнинг қиймати "БАЖАРУВЧИ" томонидан белгиланади ва хисоб - фактурада кўрсатилади. Хисоб- фактурада кўрсатилган сумманинг 15 % олдиндан тўланган кундан бошлаб таъмирлаш ишлари бошланади.

2.3. Энергия ресурслари, хом - ашё ва материалларни нархлари ўзгариши сабабли,"БАЖАРУВЧИ" кўрсатиладиган хизматларни нархини ўзгартириш хуқуқига эга ва бу хақида "БУЮРТМАЧИ" ни хисоб-фактурани расмийлаштириш орқали хабардор қилади.

## 3. Бажарилган ишларни қабул қилиш тартиби:

3.1. Тугалланган ишларни қабул қилиш Далолатномасига асосан амалга оширилади. Мазкур Далолатномада таъмирланган электр двигателларни параметри, уларнинг сони ва таъмирлаш нархлари кўрсатилади ва икки томон вакиллари томонидан имзоланади.

3.2. Қабул қилиш вақтида " БАЖАРУВЧИ" "БУЮРТМАЧИ" га хисоб- фактура асосида рангли мис сим чиқиндиларини қайтариши лозим.

## 4. ТОМОНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ:

4.1. Тарафлар шартнома бўйича мажбуриятларини бажармаганларида ёки лозим даражада бажармаганларида амалдаги" Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисидаги" 29.08.98йилдаги 670-1- сон қонуни бўйича жавобгардирлар.

## 5. ФОРС-МАЖОР

5.1. Форс- мажор холатлари юзага келган тақдирда, уларга нисбатан бундай холатлар юзага келган томон бу хақида қарама - қарши томонга 3 кун ичида хабар бериши шарт.

## 6. Шартноманинг бошқа шартлари

6.1. Ушбу шартнома бўйича Томонлар ўртасидаги келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув орқали хал қилинади, томонлар бир битимга келишмаганда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

6.2. Мазкур шартнома икки нусхада бўлиб бир хил кучга эга Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва шартнома 2022 йил 31 декабригача амал қилади.

## 7. ТОМОНЛАРНИ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

"БАЖАРУВЧИ"

МЧЖ "BARAKA ISHONCH FAYZ SERVIS"
Тошкент вил. Занги ота тумани
Эшонгузар қўрғони Эшонгузар кўчаси
Х р 2020 8000 1048 2266 8001
АКБ " TENGE BANK"
МФО 01176 ИНН 301440299
ОКЭД 33120
Тел:(98) 809-00-41 ;(98) 306 00 43 ; 71 274-53-53

Рахбар ____________ М.У.

"БУЮРТМАЧИ"

ООО "TOSHKENT SHAHAR SUV TA'MINOTI"
Индекс, Республика Узбекистан, г. Ташкент,
ул. ... , дом-2 Тел: 71-252-19-55, 71-252-19-63
Р/с: 2020 8000 4001 0149 9001
АТИБ "Ипотека-банк" Мехнатский филиал
МФО: 00420 ИНН: 201 058 713 ОКЭД: 36000
код НДС 326040005341

Рахбар ____________ М.У.